

HUQUQ va

Iqtisodiy-ijtimoiy,
huquqiy-ommabop
gazeta

№09 (66)
18.05.2021 й

Gazeta
2018 yil
30 iyundan
chiqa
boshlagan

ISTE'MOLCHINI



**АВИАЧИПТА
ПУЛИНИ
ҚАЙТАРИБ ОЛСА БЎЛАДИМИ?**



**ЎТКАЗИЛГАН
ТАНЛОВ
ЖАРАЁНЛАРИ
АДОЛАТЛИМИ?**

**«ПРОКУРАТУРА ХОДИМЛАРИ
МЕНГА НОТЎҒРИ АЙБ
ҚЎЙИШМОҚЧИ»**



**ИМКОНИ
ЕТАРЛИ,
АММО
АМАЛИЙ
ЁРДАМ
ЙЎҚ?**



**ҚИРҚ
ЁШДАН
КЕЙИН ҲОМИЛАДОР
БЎЛГАН АЁЛЛАР
ЁШАРАДИМИ?**



**ЮЗ БИЛАН
ЮЗЛАШГАН
ОНАХОН**

**ИЗЛАГАН
ИМКОН
ТОПАДИ**



АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ СТРАТЕГИК МАСАЛА



Маълумки юртимизда аҳолини рўйхатга олиш юзасидан кенг қамровли ишлар бошлаб юборилди. Албатта, бу бугунги кун зарурати ўлароқ амалга оширилмоқда. Юртимизда охириги марта аҳолини рўйхатга олиш жараёни бундан 32 йил аввал бўлиб ўтгани бу масаланинг ҳозирда қандай аҳамият касб этишини кўрсатиб беради.

сиятлари ҳақида ишончли маълумот тўплаш имконини беради. Бу ўз навбатида ҳудудларни ривожлантириш ва жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш, бўш иш ўринларини ташкил этишга ёрдам беради. Бундан ташқари, ҳудудларнинг хариталаридаги мавжуд хатоликларга ечим топиш бўйича аниқ тақлифлар бериш имконини вужудга келтиради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга таёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 710-сон қарорга мувофиқ аҳоли-

ни рўйхатга олиш 2023 йида ўтказилиши белгиланди. Тадбирга таёргарлик сифатида мамлакатимизнинг тўрт ҳудуди: Андижон вилоятининг Хўжабод тумани, Хоразм вилоятининг Ҳива шаҳри, Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ тумани ҳамда Тошкент шаҳарнинг Яшнобод туманларида синов тариқасида ишлар бошлаб юборилди. Ҳозирда рўйхатга олувчилар номзодлари сараланиб тасдиқланмоқда. Албатта, рўйхатга олувчи ходимларнинг мувофиқлиги жиддий аҳамиятга эга. Чунки улар аҳоли билан бевосита мулоқотга киришиш жараёнида салбий фикр уйғотмасликлари мақсадимизнинг тўғри тарғиботини ташкиллаштиради. Доимий тарғибот ва ташвиқотлар олиб борилиши ва кенг тушунтириш ишлари ўз самарасини тез орада беради. Бу ҳаракатлар мамлакатимиз равнақи учун муҳим рол ўйнашига ишонамиз.

**Сардорбек ЖЎРАЕВ,
Тошкент шаҳар статистика
бошқармаси Яшнобод тумани
аҳолини рўйхатга олиш
бўлими бошлиғи ўринбосари**

Мисол учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзо мамлакатларни ҳар 10 йилда аҳолини тўлиқ рўйхатга олишни тавсия этади. Чунки бу келгуси декадаларда мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи стратегик қарорларни қабул қилиш учун асос бўла оладиган ишончли маълумотлар билан таъминланиш имконини беради.

Аҳолини рўйхатга олиш нафақат аҳоли сони ва демографияси, балки оилавий аҳволи, яшаш шароити, бандлиги, жинси, ёш даражалари, фуқаролиги, ҳудудларда аҳоли зичлик даражаси ва бошқа ижтимоий-иқтисодий хусу-

ИЖТИМОЙ НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартда «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 122-сон қарори қабул қилинди.

Ҳужжат билан кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»-ги низом тасдиқланди.

Низомда қуйидагилар белгиланди:

кам таъминланган оилаларни «Ягона реестр» АТ орқали аниқлаш тартиби;

ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш шартлари;

ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам учун муурожаат қилиш, аризаларни кўриб чиқиш ҳамда нафақа ва моддий ёрдам тўлаш тартиби;

ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўловларини молиялаштириш тартиби.

Шунингдек, мазкур Низомга асосан, оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган ўртача бир ойлик даромад ҳажмини аниқлаш тартиби белгиланган бўлиб, бир ойлик ўртача жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олиннадиган оиланинг жами даромадига оила томонидан олинган қуйидаги даромадлар киритилади:

меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар;

мулкый даромадлар;

якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;

пул тушумлари, шу жумладан, чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларидан пул ўтказмалари суммаси;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашганлик учун шахсга тўланган меҳнат ҳақи;

тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳловчи иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шу жумладан, штамплар ва муҳрлар олиш, электрон рақамли имзо олиш, тадбиркорликка ўқиш харажатларини тўлаш ва кредит-

ни олиш чоғида суғурта полиси ҳақини тўлаш ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш, уруғликлар, кўчатлар, суғориш воситалари олиш учун меҳнат органлари томонидан ажратилган субсидияларни олган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;

пенсиялар ва нафақалар (ушбу Низомда назарда тутилган тартибда оила олаётган болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам, компенсация, ногиронлиги бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси, болалиқдан ногирон бўлган 16 ёшдан катта шахсларга нафақа, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар ва 18 ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақа, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси орқали бериладиган бола туғилганлиги ҳамда дафн этиш маросими учун бир йўла тўланадиган нафақа, таълим муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар, меҳнат органлари томонидан ишсиз фуқароларга тайинланадиган ва тўланадиган моддий ёрдам, меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида тўланган стипендия бундан мустасно);

томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинган даромад;

чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган фуқароларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар ҳисобланган сумма бўйича ҳисобга олинади (қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташлангунига қадар).

«Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида микрокредит олинган санадан бошлаб охириги 12 ой мобайнида оилавий тадбиркорликни амалга оширишдан олинган даромадлар оиланинг даромади таркибига киритилмайди.

ЙОД БИЗНИНГ ТАНАМИЗ УЧУН ҚАНЧАЛИК ЗАРУР?

Йод қалқонсимон без гормонларининг таркибига кирувчи модда бўлиб, у организмда ишлаб чиқарилмайди.



Яъни фақатгина ташқаридан қабул қилиш орқали унинг организмдаги ўрнини тўлдирish мумкин. Организмда йод етишмаслиги қуйидаги ҳолатларга олиб келиши мумкин:

- қалқонсимон без касалликлари (буқоқ);
- жисмоний ва ақлий ривожланишнинг сусайиши;
- моддалар алмашинувининг бузилиши;
- иммунитетнинг пасайиши, сурункали чарчоққа;
- хотира, интеллектнинг пасайиши.

12 ёшгача бўлган болаларда суткалик йодга эҳтиёж 100 мкг, 12 ёшдан катта болалар ва катта ёшлилар учун 150 мкг ни ташкил этади. Ҳомиладор ва эмизикли аёллар учун 250 мкг йод етарли бўлади. Йод етишмовчилиги билан боғлиқ муаммоларнинг кўплиги сабабли бу нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммо сифатида ҳам қаралади. БЖССТ маълумотида кўра, дунё аҳолисининг 30% қисми йод етишмаслиги орқали келиб чиқадиган касалликлар хавфи билан яшайди. 40 миллиондан ортиқ кишилар эса айнан йод етишмаслиги туфайли ақлий ривожланишдан орқада қолган. Вилоятимиз бўйича эндемик буқоқ билан 29482 нафар бемор диспансер назоратига олинган. Аҳоли орасида йод танқислиги ҳолатларининг олдини олишнинг энг арзон ва самарали усули бу ош тузини йодлаш бўлиб ҳисобланади. Ош тузи овқатга кимёвий қайта ишланмасдан солиш мумкин бўлган ягона минерал саналади. Туз оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъий назар ҳар бир оилада ишлатилади. Шунингдек, ишлатиш миқдори йил фаслларида ёки бошқа таъсирларга боғлиқ эмас. Бунинг устига тузнинг кунлик истеъмоли маълум миқдорда чегараланган бўлади. Йодланган ош тузининг яроқлилиқ муддати 12-24 ой бўлади. Туз харид қилишда шу муддатга албатта, эътибор қилинг. Нотўғри сақланганда йод учиб кетади. Шу сабабли ош тузи сақлашга мўлжалланган идишингиз ёпиқ бўлиши лозим. Термик жараёнда (қиздирилганда) йоднинг тахминан 50% парчаланиб кетади. Шуни эътиборга олган ҳолда тузни овқат пишишига яқин ёки пишгач солиш мақсадга мувофиқдир. 5 грамм ош тузи қабул қилиш орқали 100-150 мкг йод қабул қилинади.

Шу боис 2020 йилда Самарқанд вилояти болалар ва ўсмирларга 62000 упаковка Антиструмин препарати бепул тарқатилди. Бу ҳам болалар ва ўсмирларда йод танқислиги ҳолатларининг олдини олишда катта рол ўйнайди.

Азиз юртдошлар гарчи биз эътиборингизга ҳавола қилаётган мавзу бир қарашда аҳамиятсиз туюлсада, бироқ соғлигингиз учун жиддий муаммоларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир. Доимо соғсаломат булинг.

Саҳифани Шоира ШУКУРОВА тайёрлади.